Низом

## кулланма : Узаро келишилган холдаги ажралиш

1. Узаро келишилган холдаги ажралиш

-Ушбу эр-хотин узаро келишилган холдаги ажралишга асосланган тизимга муввофик, эр-хотин аввалам бор муносиб туман суд булимига мурожаат килиб, ажралиш жараёнини бошлаш нияти хакидаги расмий тасдикнома(бундан кейин Ажралиш жараёнини бошлаш нияти хакидаги Тасдикнома)ни олишлари лозим, ундан кейин Ажралиш жараёнини бошлаш нияти хакидаги Тасдикнома билан бирга ажралиш тугрисидаги аризани якиндаги шахар(туман), вилоят ёки туман булими раиси номига такдим килишлари керак. Ущбу дакикадан бошлаб ажралиш жараёни кучга киради.

2. Узаро келишилган холда ажралиш жараёни тартиби

А. Ажралиш жараёнини бошлаш нияти хакидаги Тасдикномани олиш учун ариза такдим этиш

① Ариза такдим килиш чогида керакли хужжатлар

а. Ажралиш жараёнини бошлаш нияти хакидаги Тасдикнома учун ариза формаси 1 нусха мазкур форма эр хотин томонларидан тулгазилиши лозим. Ариза формаси суд булим кабулхоналарида мавжуд, хамда Олий суднинг фукаролик ишлар буйича Электрон марказида (http://help.scourt.go.kr)

жойлаштирилган.

аризачиларнинг телефон ракамлари тугрисидаги маълумотлар алохида синчиклаб ёзилиши лозим, чунки повестка мазмуни (судга чакирув куни) аризачига телефон оркали берилиши мумкин. Телефон ракамлари узгарган такдирда ушбу хакда муносиб суд булимини дархол билдириш лозим.

б. кариндошлик алокаларни тасдикловчи хужжат хамда эр томонидан никох кайд этилганлиги хакидаги гувохномаси – 1 нусха

кариндошлик алокаларни тасдикловчи хужжат хамда хотин томонидан никох кайд этилганлиги хакидаги гувохномаси – 1 нусха

-мазкур хужжатларни шахар(туман), вилоят, поселка туман булимидан олиш мумкин

в. Ажралиш тугрисида ариза – 3 нусха

-Ажралиш тугрисида ариза формаси шахар(туман), вилоят, поселка туман суд булим кабулхоналарида мавжуд

-Ариза эр-хотин томонидан форманинг тескари томонида келтирилган инструкция асосида тулдиралади. Ажралиш жараёнини бошлаш нияти хакидаги Тасдикнома тулдирилаетганда Болаларга хукимдорликни аниклаш тугрисидаги 5-чи банда тулгазилмайди. Ушбу банда узаро келишилган холдаги ажралиш жараёнини бошлаш нияти хакидаги суд тасдикини олингандан кейин тулгазилади. Унда балогат ёшига етмаган болаларни тарбиялаш хукукини уз зиммасига олаётган падар хакида маълумотлар киритилади.

г. Корея Республикаси фукаросининг кайд этувчи ёзув – 1 нусха

-Ушбу хужжат турар-жойдаги туман суд булимига Ажралиш жараёнини бошлаш нияти хакидаги Тасдикнома олиш учун ариза такдим килинган такдирда берилади.

д. балогат ёшига етмаган болалар

д. Вояга етмаган фарзанди бор оилалар (она қорнидаги болани хисобга олиб, 3 ой ичида ёки судга ажрим жараёни хақидаги маълумотномани топширилган пайтдан бошлаб суд белгилаган муддатгача вояга етадиган болаларни хисобга олмай ) ажрим жараёни хақида маълумотга эга бўлганларидан сўнг, болани тарбиялаш хуқуқининг бўлиниши хақидаги шартноманинг 1 нусхаси, Оилавий масалалр бўйича суд қарори ёки шартноманинг 2 нусхаси ҳамда фарзанд тарбиялаш хуқуқини тасдиқловчи хужжатнинг 3 нусхасини тақдим этишлари лозим.

Агар ажримга бериш пайтида, эр хотин биргаликда ажрим аризасини тайёрласалар, шунингдек, ажрим хақида маълумотномани тақдим этиш пайтида бирга катнащсалар, шартнома 1 ой ичида Тасдиқлов берилгунга қадар таълуқли органлар томонидан тақдим этилиши мумкин.

Оила масалалри бўйича Суд қарори ҳамда фарзанд тарбиялаш хуқуқини тасдиқловчи хужжатлар топширилган холда, қуйидаги хужжатлар тасдиқлов берилгунга қадар топширилиши лозим .

фарзандни тарбиялаш хақидаги хуқуқ хамда оталиққа олиш билан боғлиқ муаммолар чиққанда, суд қарори ва бола тарбиялаш хуқуки тасдиқловчи хужжат топширилиши учун зудлик билан Оилавий масалалар бўйича судга мурожаат қилишлари лозим.

Шартнома ва оилавий масалалр  бўйича суд қарори белгиланган муддатдан кеч

тақдим этилса, ёки умуан  тақдим этилмаса, икки томоннинг розилиги билан ажрим ҳақидаги тасдиқлов берилиши кечроққа қолдирилади ёки умуман берилмайди.

е. Эр-хотиннинг бири хорижда ёки жазо ўташ жойларида бўлган холларда:

- Кореа Республикаси фуқаросининг хорижда рўйхатдан ўтганлиги ҳақида хужжат 1 нусха (маълум давлатдаги Кореа Рес. элчихонаси ёки Кореа Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазирлиги ) ёки қамалганлингини тасдиқловчи хужжат (керакли органлар томонидан берилади) 1 нусха.

② Суднинг ариза топшириш бўлимига

- Ариза турар жойи буйича судга ёки фукароларнинг никохини кайт этувчи булимга (ЗАГС) Эри – хотинни иштирокида топширилади.

- Агар эр хотинлардан бири чет элда ёки жазо уташ жойларида булса улардан биттаси аризани судга бериши мумкин. Агар уларнинг вояга етмаган фарзанди булса, аризага ёзма равишда келишуви 2 нусхада булиши керак, шу мазмундаки бола ота ёки она билан колиши ёки оилавий суднинг шу хакдаги карори 3 нусхада (асл нусхаси)

③ Ажрим хакида курсатмани суддан олиш керак

- Консультация комиссиясидан маслахат олиши мумкин. Вояга етмаган

фарзандни она ёки она билан колиши буйича келишувини консультациядан сунг расмийлаштиришини суд талаб килади.

④ Ажрим жараёни муддатини кискартириш ёки ундан озод этиш:

- Агар эр-хотининг вояга етмаган боласи (хомиладорлик хам хисобга киради) булса, 3 ой муддат ичида фарзанд вояга етган такдирда камида 1 ойдан 3 ойдан ошмаган вакт ичида.

Юкорида курсатилган муддатни кискартириш зарурати булса, консультация комиссиясига унинг сабаби ариза окрали тушунтирилади.

- Агар суд тушунтирув аризани кайта куриб чикишини 7 кун ичида хабар бермаса, аввал белгиланган муддат уз кучида колади, шикоят кабул килинмайди.

⑤ Узаро келишилшган ажралишни тасдикловчи холатлар:

- Судда эр-хотиннинг хар иккалови иштирок этиши ва шахсни тасдикловчи хужжат булиши шарт.

- Биринчи белгиланган муддатда судда катнашмаган булса, унда иккинчи

мудатда иштирок этиш мумкин. Лекин хар икала белгиланган мудатда хам иштирок этилмаса, суд аризани бекор килади ва узаро келишув аризаси кайтадан топширилади.

- эр-хотинни вояга етмаган фарзанди булса, хар бирига оилавий суднинг бола ота ёки она карамогида колишни тасдикномаси топширилади.

- Аризани куриб чикиш муддати келишмаган булса, унинг сабабини тушунтиришингиз ва бошка кунни белгиланиши мумкин. Оилавий суд карори олингандан сунг, карорнинг асл нухсаси топширилади. Агар суднинг талаби бекор килинса, ёки рад этилса, ундай холда узаро келишув ажралиш тасдикномаси берилмайди агар ёзма равишдаги келишув белгиланган кунгача топширилмаса.

- Фарзанднинг равнаки учун суд унинг ота ёки она билан колиш келишувидан тузатиш киритиши ва карор килиши мумкин. Агар суд карори кондирилмаса, узаро келишилган ажралиш хакида Тасдикнома берилмайди.

- Ажралиш розилиги тасдикловини олинмаса, алохида белгиланган тартибда ажрашиши хакида даъво бериш ёки бир вактнинг узида ота-она хукукини

белгиловчи талабномани суд жараёнидан судгача хал этиш учун келишувга асосан максадни тасдикловчи ариза берилади.

Б. Узаро келишиган холдаги ажралиш аризаси

- Уни тасдикловчи дубликат 3 ойдан сунг уз кучини йукотади. Ажралишаётган эр-хотинлар ёки улардан бири ажралиш учун ёзилган аризага узаро келишилган ажралиш тасдигини дубликатини илова килиши ва ЗАГС идорасига юкорида курсатилган вакт ичида топширилиши керак.

- Ажралиш хакида ариза булмаса, эр-хотин ажратилмайди ва юкорида белгиланган мудатда ажралиши аризаси тасдикнома кайтадан суддан олиб ажралиши хакида кайта ариза беришингиз мумкин.

- Вояга етмаган фарзандлар булса, аризада бола ота ёки она карамогида колганлиги хакидаги суд карори нусхаси ажралиши аризасига илова килинади. Агар фарзанд тугилмаган булса (онаси хомиладор) унга ота-она хукуки белгиловчи суд карори, фарзанд тугилгандан сунг эса, унинг тугилганлиги гувохномаси ажралиши аризасига илова килинади.

- тасдикнома дубликати йуколган булса, кайтадан узаро келишилган холдаги ажралиш тасдигини топшириш ёки шу ишни куриб чиккан суддан унинг дубликатини топшириши мумкин, шу шарт биланки, тасдиклов дубликати муддати 3 ойдан ошмаган булса. Агар 3 ойданг ошган булса хамма жараён кайтадан бажарилади.

Судда бир йил давомида келишувнинг асл нухсаси сакланади. Ажралувчиларда эса унинг унсхаси булиши керак.

В. Узаро келишилган ажралишни рад этиш:

- Ажралиш тасдикномаси олинган такдирда хам, ажралишни истамасангиз, ажралиш учун ариза ёзилмайди ёки ажралишни рад этувчи ариза билан турар жой буйича ёки ЗАГС идорасига мурожаат килинади.

- Агар рад этувчи ариза ажрашиш хакидаги аризадан кейин берилса, ажралиш карори кучга киради.

3. Узаро келишигна ажралишдан сунг:

- эр-хотинлар берилган аризаларига асосланиб, суд карори билан ажрашадилар.

- Ажралишдан сунг хар икала ота-она уз хукуки ва бурчларига эга булиб коладилар, узаро келишилган ажралишда хам. Лекин вояга етмаган ёки хали тугилмаган (хомила) фарзанд булса, эр-хотин келишувини ва оилавий суднинг ота ёки она билан колиш карорини бажарилиши мажбур.

- Ажэрашаётган аёл (Хотин) уз фамилиясини ажралишдан сунг узгартирмокчи булса, биринчи ЗАГСдан утган жойга ариза билан мурожаат килиши мумкин.